



МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК - БАҲҚАРОРЛИК ГАРОВИ

Ҳақлиев В.Б.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ 2-сон Тошкент Академик лицей катта ўқитувчиси, т.ф.н., доцент

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистонда миллатлараро тотувлик ва унинг Янги Ўзбекистонни барпо этишдаги аҳамияти ҳақида фикр юритилган.

Калит сўзлар: Миллатлараро тотувлик, ҳудуд, давлат, баҳамжихат яшаш, ҳамкорлик, ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ҳамжихатлик, аҳоли, этнос, кўп миллатли, полиэтник давлат.

Миллатлараро тотувлик – муайян ҳудуд, давлатда турли миллат вакиллари баҳамжихат яшашлари, ҳамкорликда фаолият юритишларини ифодалайди.

Миллат – тил, маънавият, миллий ўзликнинг англаш руҳияти, урф-одатлар, анъаналар ва кадриятлар ягоналиги асосида муайян ҳудудда яшовчи иқтисодий алоқалар билан боғланган мустақил субъект сифатида ўзига хос моддий ва маънавий бойликларни яратувчи кишиларнинг этник бирлиги.¹

Миллатлараро тотувлик – мамлакатимиздаги турли миллат ва элатлар ўртасида ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ҳамжихатликни ифода этувчи мустаҳкам пойдевор. Бунинг мақсади Ўзбекистондаги ҳар бир миллат ва элат вакиллари эркин яшашлари ҳамда фаолият кўрсатишлари учун зарур шарт-шароитлар яратишдан иборатдир.

Бугунги кунда ер юзида 8,1 миллиарддан ортиқ аҳоли яшайди. Дунёда 3–4 мингдан ортиқ этнос истиқомат қилади. Ўзбекистонда 37 миллиондан зиёд аҳоли яшайди.

БМТ маълумотларига кўра, ер юзида 7000 тил ва лаҳжада сўзлашувчи 2 мингга яқин миллат ва элат яшамоқда.²

Мутахассисларнинг фикрича, Ер юзида уч мингга яқин миллат бўлиб, инсониятнинг ўрта ҳисоб билан 96 фоизини бирлаштиради. Қолган 4 фоиз элат ва қабилалардир.

Ўзбекистон кўп миллатли, полиэтник давлат. Маълумотларга кўра, бундан юз йил аввал ҳозирги республикаимиз ҳудудида 70 га яқин миллат вакиллари истиқомат қилган. Орадан 30 йил ўтгач, бу сон 91 тага, 1959 йил 113 тага, 1979 йил 123 тага етди.

¹ <https://oyina.uz/kiril>

² <https://isrs.uz/uz/maqolalar>



Ҳозирги кунда эса Ўзбекистонда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари яшамоқда. Уларнинг ҳар бири ўз миллий маданий урф-одатлари, анъаналари, тили, конституциявий-ҳуқуқий тенглигига эга. Ўзбекистонда барча миллат вакилларига нисбатан тенг ҳуқуқли муносабат Конституция ва қонунлар билан мустаҳкамланган. Бунинг ижобати сифатида мактабларимизда 7 та миллий тилда ўқитиш ишлари олиб борилади.

Ўзбекистон Миллий телерадио компаниясининг теле-радио каналлари орқали 10 та тилда (ўзбек, қорақалпоқ, рус, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман, татар, уйғур, озарбайжон тилларида) кўрсатув ва эшиттиришлар олиб борилмоқда.

Юртимизда турли миллатлар орасида тотувликни таъминлаш тараққиётнинг ҳал қилувчи омилларидан бири ҳисобланади. Халқимизнинг «Қўшнинг тинч – сен тинч» деган мақолида ана шу ҳақиқат назарда тутилган. Бутун дунёда, биринчи навбатда, қўшни мамлакатларда ёнма-ён яшаётган халқлар орасида тинчлик, осойишталик, барқарорлик, ҳамкорлик, ҳамжихатлик, тенг ҳуқуқли муносабат бўлмаса, улардан ҳеч бири ўзининг порлоқ истиқболини таъминлай олмайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 8-моддасида «Ўзбекистон халқини, миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади», деб аниқ белгилаб қўйилган.³ «Ўзбекистон халқи» тушунчаси мамлакатимизда яшаб, ягона мақсад йўлида меҳнат қилаётган турли миллат ва элатларга мансуб кишилар ўртасидаги ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ҳамжихатлик учун маънавий асос бўлиб хизмат қилади.

Конституциямизнинг 4-моддасида эса “Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир.

Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади.” - деб таъкидланган. Мамлакатимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элат вакилларнинг ўз она тилларида ўқишлари учун кенг имкониятлар яратилгани, олий ўқув юртлари ва мактабларда бунга амал қилинаётгани, қўшлаб тилларда газета ва журналлар чоп этилиб, телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар олиб борилаётгани кабилар бу борадаги самарали ишларнинг яққол далилидир.

Миллатлараро тотувликни таъминлашда Республика байналмилал маданият марказининг роли каттадир. Республика байналмилал маданият маркази 1992 йил январь ойида ташкил этилган. Миллий маданий марказларнинг асосий мақсади мамлакатимиздаги турли миллат ва элат



вакилларининг маънавий-маърифий эҳтиёжларини қондириш, миллий кадриятларни сақлаш, уларнинг урф-одат ва анъаналари давомийлигини таъминлашдан иборатдир.

Мамлакатимиздаги дастлабки миллий-маданий марказлар корейслар, қозоқлар, яхудийлар, арманлар томонидан 1989 йилда тузилди. Агар 1992 йил 10 та миллий-маданий марказ иш олиб борган бўлса, 1995 йилда уларнинг сони 72 тага, 2003 йилга келиб эса 135 тага етди. Бугунги кунда миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси мамлакатимизда фаолият юритаётган 150 дан зиёд миллий маданий марказ, 38 та дўстлик жамияти ва хориждаги ватандошларнинг 38 та жамияти билан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Мамлакатимиздаги миллий маданий марказлар қўидаги фаолият турларини амалга оширади:

а) мусиқа ва театр студияларини, она тили, тарих, ёзув, адабиёт, халқ оғзаки ижоди, театр ва рассомчилик санъати, миллий урф-одатлар ва хунармандчилик, миллий спорт ва ўйинлар турларини ўрганиш бўйича ўқув гуруҳлари ва якшанба мактабларини амалдаги қонунчиликка мувофиқ тузади;

б) миллий маданият, миллий тил; миллий санъат турлари ва миллий урф-одатларни ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадида семинарлар, конференциялар, давра суҳбатлари, фестиваллар ва учрашувларни;

в) хор ва бадий жамоаларни ташкил этади.

Шунинг учун ҳам 2021 йилда Миллий маданий марказлар ва дўстлик жамиятларини қўллаб-қувватлаш учун 1,45 млрд сўмлик грант ажратилди.

«Бугунги кунда Қўмита мамлакатимизда фаолият юритаётган 150 та миллий маданий марказ ва 38 та дўстлик жамияти ҳамда хориждаги ватандошларнинг 38 та жамияти билан ҳамкорлик қилмоқда.

Ўзбекистонда яратилган қулай миллатлараро муҳит туфайли тожик, турк ва қозоқ миллатига мансуб аҳоли вакиллари томонидан 2020 йилда 7 та янги миллий маданий марказ ва 2 та дўстлик жамияти ташкил этилди.⁴

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 19 май куни қабул қилинган “Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони миллий маданий марказлар фаолиятини давр руҳига монанд ташкил этиш, хорижий мамлакатлар билан маданий-маърифий алоқаларни кенгайтириш борасида янги истикболларни очди.

³ Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон

⁴ <https://yuz.uz/news/milliy-madaniy-markazlar-va-dostlik-jamiyatlarini-qollab-quvvatlash-uchun-145-mlrd-somlik-grant-ajratildi>



2023 йилда жамиятда миллатлараро тотувлик муҳитини мустаҳкамлаш, хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини ривожлантириш ва хориждаги ватандошларни қўллаб-қувватлашга қаратилган 1 та қонун, 2 та Президент қарори, 18 та ҳукумат қарори ва фармойиши лойиҳалари тайёрланган.

“Ўзбекистонимиз – улкан имконият ва бойликларга эга мамлакат, лекин очигини айтиш керак, энг катта бойлик турли миллат ва элатлар, диний конфессиялар вакиллари ўртасидаги тинчлик ва барқарорлик, ўзаро ҳурмат ва ҳамжихатликдир, - дейди Рус миллий маркази раҳбари ўринбосари Дмитрий Умнов. - Давлатимиз раҳбарининг бу борадаги ислохотлари эътирофга сазовор. Чунки улар томонидан олиб борилаётган турли миллат ва конфессиялар ўртасидаги ҳамкорлик, ўзаро ҳурмат ва бирдамлик муҳитини мустаҳкамлаш ишлари, миллатлар ва маданиятлараро мулоқотни қўллаб-қувватлашга қаратилган изчил ва пухта ўйланган стратегия халқаро ҳамжамият томонидан ҳам тўла қўллаб-қувватланиб келмоқда.”⁵

Агар 1989 йилда миллий маданий марказларнинг сони бор-йўғи 12 та бўлса, 1997 йилда 90 та, ҳозирги кунда 150 та миллий маданий марказлар фаолият юритмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: «Мустақиллик йилларида мамлакатимизда миллатлараро муносабатлар ривожиди янги босқич бошланди. Бағрикенглик ва инсонпарварлик маданиятини ривожлантириш, миллатлараро ва фуқаролараро ҳамжихатлик ва тотувликни мустаҳкамлаш, ёш авлодни шу асосда Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш Ўзбекистонда давлат сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири этиб белгиланди. Буларнинг барчаси ҳаётда ўзининг тўлиқ ифодасини топди.»⁶

Мустақиллик йилларида Республика байналмилал маданият маркази ва миллий маданий марказлар фаолларидан 500 нафардан ортиғи давлат мукофотларига сазовор бўлди. Шулардан 14 киши Ўзбекистон Қаҳрамони, 32 киши «Дўстлик», 2 киши «Меҳнат шухрати» ордени билан мукофотланди. Мукофотланганлар ичида 24 миллат вакиллари бор.

Қаердаки миллатлараро тотувликнинг аҳамияти англаб етилмаса, жамият ҳаётида турли зиддиятлар, муаммолар вужудга келади ва улар тинчлик ва барқарорликка хавф солади. Бугунги кунда жаҳоннинг айрим минтақаларида содир бўлаётган миллий низолар шундан далолат бериб турибди.

Ўзбекистон ҳудудида қадимдан буён кўшлаб миллат ва элат вакиллари баҳамжихат истиқомат қилиб келадилар. Улар ўртасида асрлар давомида

⁵ <https://andijonnoma.uz/news>

⁶ <https://gov.uz/oz/news/view/9078>.



миллий низолар бўлмагани халқимизнинг азалий бағрикенглигини кўрсатади.

Маданиятлараро уйғунликни таъминлаш мақсадида Ўзбекистонда ҳар йили турли миллат вакилларининг, жумладан, арманларнинг "Вардавар", татар ва бошқирларнинг "Сабантуй", грекларнинг "Охи", корейларнинг "Чхусок", Соллалъ, полякларнинг "Дожинки", русларнинг "Рождество", "Широкая Масленица", хитойликларнинг Чунь Цзе сингари миллий байрамлари ҳам кенг нишонланмоқда.⁷

Адолатли миллий сиёсат олиб борилганда кўп миллатлилик мақсадимиз ягоналигини, тақдиримиз бирлигини, ҳамжихатлик зарурлигини тушунишга ёрдам беради, умуминсоний ғояларнинг устувор бўлишини осонлаштиради. Аксинча, миллий муносабатларга зийраклик ва нозиклик билан ёндашмаслик ёки умуммиллий тамойилларга бироз эътиборсизлик ҳам тинчлик ва барқарорликка салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Жаҳон кенг, дунёда мамлакатлар кўп, лекин бу оламда бетакрор она юртимиз – Ўзбекистонимиз яккаю ягона. Ўзбекистон деб аталмиш юртнинг ягоналиги бетакрор табиати, бой тарихи, заҳматкаш инсонлари билан бир қаторда бу заминда турли миллат ва элат вакилларининг ягона оила фарзандларидек яшашларида намоён бўлмоқда. Бундай аҳиллик, дўстлик ва ҳамкорлик ўзининг чуқур тарихий илдизи ва асосларига эга.

Шу ўринда, республикамиз миллий сиёсатининг асосий тамойиллари ҳаётда ҳам ўз ифодасини топаётганини алоҳида таъкидлаш зарур. Хусусан, миллатлараро муносабатлар соҳасидаги амалиёт ҳақида гап кетар экан, истиқлол юртимиздаги турли миллат ва элат вакилларига ўзларининг тарихий Ватанлари билан алоқалар ўрнатишга имкон берганини қайд этиш лозим. Ўрнатилган алоқалар уларга она тилини ўқитиш ва ўрганишни йўлга қўйиш, турли қўлланмалар ва адабиётларни ўз вақтида олиш каби имкониятларни яратди. Шунингдек, кенг қамровли маданий-маърифий дастурларни амалга ошириш учун шароит юзага келди.

Хулоса қилиб айтганда, дунёнинг қарийб барча мамлакатлари кўп миллатли давлатлар ҳисобланади. Республикамининг ҳам ана шундай бой, турфа маданиятлар гуллаб-яшнаётган мамлакатлардан бири экани ҳар бир ўзбекистонликка ифтихор бахш этади. Ўзбекистонни ўз Ватани деб билиб, унинг тараққиёти йўлида фидокорона меҳнат қилган турли миллатга мансуб юртдошларимиз буни дилдан ҳис қилмоқдалар, чунки мамлакатимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элат вакилларига тенг ҳуқуқли шароитлар яратилган. Шу боис, улар аҳил ягона оила сифатида мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлида самарали меҳнат қилиб



келмоқдалар.

Миллатлараро тотувлик ёшларни Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний кадриятларга ҳурмат билан қараш руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

⁷ https://uza.uz/uz/posts/totuvlik-va-hamzhihatlik-eng-katta-boyligimiz_189608